


Шу билан жонгжунг тарафдорлари эски хитойлар ва Гў силинг тарафдорлари тор-мор бўлиб, Совет Русия сиёсатига мослашган Шин дубан хукумати ўрнашди. Ерлик халкнинг хукуклари бутунлай оёкости килиниб, яна бутун ишлар хитой боскинчиларининг кўлига топширилди.       Идора ишлари хитойча юргизилди. Гулжа шахри бўлса булар олдида сиёсий жиноятчилар хисобланган бизга ўхшаш кишилар билан тўлмиш эди. Хозирча бу жаллодлар ўз зарур ишларида ўшанолмай тургани учун бошкалар буларнинг конлик кўлларидан вактинча омон олиб турган бўлсалар хам, навбати келганда буларнинг чангалидан кутулиш имконияти йўк эди. Бошимиздан минг турлик мехнат-машаккатлар кечирган холда бу жаллодлар кўлидан кочиб чегарадан ўтмиш эдик. Иккинчи булар кўлига тушар бўлсак, холимиз нима кечишини яхши билардик. Бошга келмасдан болдуррок(Аввал, илгари, эрта (киргизча).) бу ердан кетмакка ният килдим. Сафар йўлдошим мархум Илёс домлам ўгли мархум Абдусаттор махдум икковимиз отчи-эшакчиларга кўшилиб, Муздовон оркалик Олтишахар томонга ўтиб, у ёкдан бошка томонга кетмакчи бўлдик. Лекин сафар жамалгаси битирилгунча сиримиз яширин тутилганликдан уй-оила, ёр-дўстларимизнинг бу ишдан хабарлари йўк эди. Йўлга чикишимиздан икки-уч кун илгари оилаларимиз ва бошка огайни-тукканларимизга ниятим маълум бўлиб, хаммалари йигисиги килгани турдилар.Кечагина суюкли Она ватанимиздан, уруг-аймок, эл-юртимиздан мажбурият оркасида ажрашиб, тўкилган-сочилган холда ёт эл, ёт ерга келган эдик. Ўз еримиздан олган жабр-жафо, жарохатларимиз, фирок кунлардан эсдалик колган кўнгил догларимиз хали согайиб кетмаган эди. Бунинг устига хаёт оламида энг оз учрайдиган бу каби бир улуг вокеа яна бошимизга тушди. Худо рахмат килсин Мухаммадёрнинг(Муаллифнинг учинчи ўгли.) аяси: - Сизни караб туриб душманлар кўлида кўрганимиздан Оллох омонига

топширганимиз  яхширок. Худо буюрганича кундалик кунимизни кўрамиз, - деган бўлса хам, кизимиз Азизапошша: Кечагина биз келиб, бугун сиздан тириклай ажраб колсак, бунга кандок чидагали бўлур? Жўжалардек ёш болалар ичида биз нима килгаймиз? - деб, кайгулик кўз ёшини тўккали турди. Бунинг таъсиридан оталик мехри кўзгалиб, бормасга ваъда бериб кўнгилларини тинчитдим.
Энди икки огиз сўзни Гў силинг устидан айтишга тўгри келди. Шундокки, бу кахрамон Урумчига якин Кутубий, Санжий кайрагочлигида кирк кунга якин жонфидолик билан совет аскарларига карши турган бўлра хам галаба асбоби душман кўлида бўлгач, ночор оркага чекинмиш эди. Куръон кўтарган, ваъдага вафо килмаган Хўжаниёзга ярашмок учун яна бир марта элчи юбориб караса хам ул кабул килмагач, “Хой, бу кофир кишиси экан”- деб, унга карши хужум бошламишдир. Биринчи хужумдаёк бош-оёкка карамай, Хўжаниёз, Момут силинт аскарлари бош-оломон бўлиб, Кучо томонга караб кочгали турди. Гў силинг эрса аскарига кўмонда бериб, оркадан кувлаганича избос юрибўлтирмишдир. Буни кўрган кизил сёхрчилар бу ишни бўлдириш учун неча ойлаб илгари курган планлари тўтри чиккач, бу хакидаги максадларини тезрок кўлга келтириш чорасига каттик киришгали турди. Шундокки, фитна оловига аланга бериш учун тили бир, дили бошка виждонсиз бир неча мунофиклар доим Хўжаниёз аскари ичида топширикхизматларини бажармокда эди. Шунга кўра, бу кора жохиллар Кучо шахрига кирганда узундан бери у ерда турган, жаллодлар кўлидан кочиб жалойватан бўлган наманганлик дўстимиз Мухаммадхон махдум, ўзи иш кўрган, хамма нарсага тушунган киши эди, мусулмонларнинг ўзаро бирлик-иттифокликлари бузилганлигини кўргач, буни тузатмокчи бўлиб, Момут силинг олдига келмишдир. Билганича насихат юзасидан хар ёклама сўзлар келтириб демишдурким: - Куръон хукмича бирлик-иттифоклик мусулмонларга фарз бўлмишдур. Туркистон мусулмонлари устига илгари-кейин келган барча офат-балолар эса шу иттифоксизлик шумлигидан бўлди. Илгаридан бери уйгур-ўзбек мусулмонлари кон-кариндош ва дин кариндош бўлганимиз учун хар даврнинг аччик-чучугини, мехнат-машаккатларини бирга ўртоклашиб тортишгандирмиз. Ўз вактида илм маркази бўлиб “Куввати Ислом” аталган Бухоро, етти иклимга эга бўлган Амир Темур пойтахти Самарканд, мундан бошка Фаргона ва бутун Туркистон мусулмонлари динсиз рус боскинчиларининг зулми остида мол-мулкдан, дунёларидан ажраган холда колиб, куллари кўкка совурилмокдадир. Бу дин душманлари - кофирлар, айникса, инсон оламииинг огуси, фитна-фасод маъдани, маккор, хийлагар большевиклар Туркистон мусулмонларини инсоний хукукларидан бутунлай ажратиб, хайвонлар каторида эрксиз, мажбурий ишлатаётганлигини кўрган-билганлардан эшитгандирсиз. Бизга ўхшаш ўз ватанларидан жудо бўлган кочкинлар атрофингизда йигилишиб, сиздан бирор яхшилик чикарму деган умид билан телмуриб турибмиз. Энди бу ишнинг бирдан-бир чораси шулки, Гў силинг билан келишиб, бутун мусулмонлар бир иттифокда бўлиб душманга карши харакат килсак, шундагина биз учун яхшилик йўли очилур эди.
Бу сўзни эшитиши билан Момут силингнинг нимадандир газаби кўзголиб: - Хой, бу анжонлик(Уйгуристондаги ўзбекларнинг халк огзидаги умумлашган оти.) ўзи дунган тарафдори бўлгани учун бизниму у жохилларга тобун килмокчи бўладир. Бу сўзидан кайтгунча кулогидан туйирикка(Устун (уйгурча).) михлаб кўйинглар! - деб буюрмишдир. Шунинг билан бечора Мухаммадхон махдум бу кора нодонларга насихат киламан, деб кулогидан устунга кадалган холда бир неча соат азоб тортмиш эди. Шу ерда булар оркаларидан кувиб келаётган Гў силинг етиб келиши билан Хўжаниёз, Момут силинглар бу ерда хам туролмасдан Оксу томонга караб кочкали турдилар.

Ўрумчида жонгжунг хукумати йикилиб, ўрнига совет ёрдами билан Шинг дубан хукумати курилгач, бу ўрнашиб олгунча Олтишахар-Уйгуристон ўлкаси бўйлаб кўзголончилар хар жойдан бош кўтармиш эди. Совет Русияси Или ўлкасида ўз сиёсатига мослаштириб Шинг дубан хукуматини куришга киришган бўлса, нак шу фурсатда яна ўзи тарафидан тайёрланган Андижон киргизларидан Исхокбек Кошгар томонига киргизилмиш эди. Хўтанхалки 1933 йили атрофи билан кўзголон кўтаришиб, хитой боскинчиларини колдирмай ўлдиришган сўнгида ўз ичларидан бир кишига “Шох Мансур” лакаби бериб, уни аскар бошлиги килиб, шу орада хаж сафаридан келган Собит домлани хукумат раиси килиб сайламиш эдилар. Илгаридан бери Олтишахар пойтахти Кошгар бўлиб келганликдан Собит домлам бошлик аскарлари билан барчалари Кошгарга келиб, расмий Ислом хукумати куриш учун йўлга чикмиш эдилар. Ислом ошиклари, оккўнгил, содда мусулмон, бечора уйгурлар “Биз отига бўлса хам Ислом давлати курдик” деб, пойтахт куриш маслахатида карнай-сурнай, ногора-думбо()Чилдирма, доира (уйгурча). чалишиб; йўлга чиккан аскарларни кўришганларида суюнганларидан “Ислом очилди-ё, Ислом очилди!” садолари билан ер тепишиб, усулга(Ўйин, ракс (уйгурча).) тушгали турдилар. Оллох куллари, Мухаммад алайхиссалом умматлари - буларнинг ихлос-эътикодлари кўнгилларида кўмилиб ётганликдан, агар у гавхар очилур экан, хар яхшиликка ярамликлари ва хар ишда кобилиятлари борлиги шаксиздир. Бирок бу бечораларнинг диний ва хам сиёсий ишларда замонга тушунган хакикий коловузлари бўлмагондур. Шунинг учун биз Ботиш, Чикиш Туркистон мусулмонлари боскинчиларга асрлар бўйлаб оёкости бўлиб келганмиз. Айникса, бу сўнгги ярим аср ичида Совет Русия динсиз коммунист вахшийларининг жабр-зулмлари остида энг хакоратли хаёт кечирмокдамиз. Энди Куръон хукмига кўра “Золимлар зулми кеч кўйилган бўлса хам, хеч кўйилмайди”(Бухорий, 5/2257/2258.) деганликдан вакти келар. экан, устимизда турган тогдск кора булутлар тўхтовсиз равишда таркалгусидир...
Янаўз сўзимизга келайлик. Хўтан аскари шу юрганларича йўл бўйлаб уларга хисобсиз кишилар кўшилган холда 1934 йил охирларида Кошгарга кирдилар. Ўрумчи хукумати йикилган кундан бошлабок бугун Уйгуристон ўлкаси бўйича тартибсиз равишда хар жойдан маслаксиз тўполончилар бош кўтармиш эди. Энди эса бир томондан сув булгатиб, лойкаланган сўнгида балик овлаб ўргангаи совет маккорлари тутантирикларини тайёрлаб турган холда ўз замонасина тушунмаган, максадлари улуг, лекин сиёсат оламидан йирок, хар томонлама кўллари курук бир тўда иш кўрмаган, тажрибасиз одамлар бу каби улуг инкилобни бажаришлари одатга кўра мумкин эмас эди. Чунки, моддий ва сиёсий томондан замонавий кучлик хукумат хисобланган Совет Русия бунга карши бўлиб, бу ерда ўз сиёсатига тўгри келмаган Ислом хукумати курилиб колишига хеч качон йўл кўймас эди. Бутун дунё эзилган миллатларига ёрдам берамиз, деган шиори бўлса хам, ўз манфаати йўлида ерлик халкни доим курбон килиб келди. Бирдан-бир йўл, агар мен ўйлагандек, бутун халкка сўзи ўтимлик, обрўлик, бунинг устига дохийлик шароитига эга бўлган, замонга тушунган бир тадбирлик киши бошчилиги остида жонфидо ватанпарвар кишилардан кучлик бир сиёсий жамият курилган бўлса, сўнгра шу жамият оркалик Кошгардаги бошка бир кучлик давлат вакили билан келишиб тартибли равишда иш олиб бориб, бутун Уйгуристон номидан халкнинг талабига мослашган хакикий Исломият асосида хукумат курилса, ватан болаларини ўзаро иттифокини мустахкамлаб, кучлик аскарий кўмондонлик ташкил килиб ва мумкин кадар яхши куроллар билан куроллантириб, эхтиётлик билан иш олиб боргандагина ўз хукукини кўлга олиш мумкин.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Шу чогда Гў силинг куроллик куч, интизомлик аскар билан куюндек тўполон килиб, Хўжаниёз, Момут силинг аскарларини суриб Кошгарга томон келаётмиш эди. Буларнингўз ватанлари Хужу, Солор вилоятларидан чикканларининг сабабларини юкорида айтибўтган эдик. Биз мусулмонларнингонгсизлигимиздан душман фойдаланиб, низо чикариб, улар билан бўлган иттифокликни бузди. Хеч нарса кўрмаган нодон Усмон киргизнинг ўрнига бош кўмондон сайлаб Гў силингни келтурган бўлсалар, эркин Туркистон хукумати сакланиб колиши мумкин эди. У кунлардаўзим бу вокеалардан йирок Гулжа шахрида турганлигим учун бу ўйланган максадни амалга ошириш чорасини кила олмадим. Шундок бўлса хам караб туришга чидаёлмай Ёкуббек замонасидаги Икки Ортуш хокими Момутхакимбек(Ёркент хонлиги замонида вилоят хокимининг унвони. Хитой хокимияти даврида бир шахар ва атрофининг волийси.) набираси Жиржис хожини топиб, тездан Кошгарга юбормокчи бўлдим.
Бу кишининг кискача таржимаи холи шулким, мен коммунист вахшийларининг конли чангалларидан ку-тулиб Или ўлкасига ўтгач, конхўр душманлар кўлида колган кариндош, эл-юртим, суюклик она Ватаним учун каттик кайгурмокда эдим. Бунинг устига бу ерлик мусулмонлар турмушларининг хамма томонлама тушкунлиги, буларнинг хаёт ахволидан, сиёсат оламидан бу-тунлай онгсиз-хабарсиз бўлишлари мени бек хайратда колдирмиш эди. Оз бўлса хам хамдард, маслакдош, ватанпарвар дўстларимиздан ажрамиш эдик. Бу ерлик тургун кишиларнинг хиссизлиги, онгсиз-колоклиги, кўзлари кўриб келган кочокларнинг кўнгли кўрлиги, уларнинг дунёпараст-рохатпарастликларини кўриб, кўнглимда аланга уриб турган химмат ўтларим сўнишга бошламиш эди. Мана шундай умидим кесилгудек холга етган кунларимда бу киши билан топишиб колдик. Узилаёзган умидимиз кайта бошдан кўзгалишга бошлади. Бу киши эса илгаридан бери инкилобий ишларга катнашиб, огир-енгил тажрибалар ўтказган, кўзи очик, кўнгли уйгок, ватанпарвар, миллатсевар бир уйгур ўтли эди. Шунинг учун юкоридаги ўзим ўйлаган иш устида икковимиз узун музокара ўтказган сўнгида, бу киши бормокчи бўлди. Бирок бу ишга ташкилий тайёргарлик кўрилмаганликдан, иктисодимиз етишмаганлиги бизга анчагина огирчилик келтирди. Шундок хам бўлса бир неча дўст кишиларимиздан яширинча ёрдам йигиб, сафар жамалгасини килдик. Узатмокчи бўлиб турганимизда бахтимизга карши шул куни бу йўлдошимиз иситма безгак бўлиб, йўлга чикмай колди. Бунга карши дори-дармон сабабларини килганимиздан кейин, эртаси куни йўлдошларидан колдирмай узатиб кўйдик. Бирок афсуски, бу кучли иродали, кахрамон, диндор, ватанпарвар тилакдошимиз Жиржис хожим йўлга чиккач, кундан-кунга огирлаша бориб, минг машаккат билан Муз довондан ўтиб, Кўргон деган мархум Ёкуббек оталикдан колган, душманга карши тўсковул кўналгусига келганда вафот топмишдир. Оллох уни рахмат килсин. Максадга етмаган бўлса хам, талаб йўлида жон курбон килиш хаёт тарихида улуг шарафга эга бўлиш демакдир. Киши ўз маслаги устида ўз мукаддас вазифасини бажариш каби улуг хизмат йўлида ажал ўкига учар экан, химмат ахллари олдида золим йирткичларга карши шаходат ўлимидан фарки йўкдир. Бу йўлда бўлган мусибат ўзи учун муборак саналган бўлсам-у, колган маслакдошлари учун анча маъюслик келтирмиш эди. Шундай бўла туриб яна караб туролмай, Гулжа томонда бўлаётган турлик макр-хийлалик вокеаларни, Совет Русиясининг тутган сиёсатлари, буларнинг курган тузокларини очик кўрсатиб, унинг бутун чоралари билан узун бир баённома ёзиб тайёрламиш эдим. Бирок ўлка бўйлаб бундайин оломон ўзгариш таркалаётган огир ахволда бунга карши кимнинг сиёсат юргизишини англаётган совет элчихонаси ўз исковучларини бутун халк ичига таркатмиш эди. Исломият, балки бутун инсоният

оламининг офати, куфр-нифок маданиятининг захарлик меваси хисобланган коммунистлар бозори кандай ерда кизийди? Сўзга тушунмаган, хеч нима билмаган, айникса, йўксиллик-камбагалликда яшаётган хайвонсифат, ватан, миллат нима эканлигини билмайдиган кора нодонлар кўп бўлса, мана шулар ичидагина ривожланиб, тездан ишлар авж олади. Шунинг учун Хитой тупрогида тўкайга ўт кетгандек, бошка ерга кўра тезрок кўтарилиб, бутун мамлакат бўйлаб ўз хокимиятларини ўрнаштириб олдилар. Бундай инкилоб кунларида ўз ишларини амалга ошириш учун тўскинлик килувчиларга карши оч колган йирткич хайвонлардек тишларини кайраб, хужумга тайёр турадилар. Агар Худо сакламаган бўлса, шу каби кўркинчли кунлари ёниб турган улуг ўтга бир челак сув сепгандек килган ишларим ўзим учун халокатлик бўлиши шубхасиз эди. Шу сабаблик бир неча кун машаккатлар чекиб тайёр килгаи баённомани кандай килиб юбориш иложини тополмай, охири куйдириб ташлашга мажбур бўлдим. Чунки катнов йўллари эса отчи-эшакчи карвонлардан бошкаларга ясок килинмиш эди. Буларни хам хар хил тўсковул ерларда каттик тинтув-ахтариш билан ўтказмакда эдилар. Шунга кўра ночор, такдирга таи кўйиб, ёзмишни кутиб турмокдан бошка чора тополмай караб колдим.
Байт:
Кўлга келмас мўлжалинг, харгаз шароит бўлмаса,
Канча килсанг жонфидолик, фойдасиздур ишларинг.

Алихонтўра Согунийнинг
"Туркистон кайгуси" китобидан